Миллий тиклaниш — миллат келажаги

# MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 25-aprel, chorshanba, 17 (400)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

## КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ИЗДОШЛАРИ

*Юртимизда азалдан шаклланган, сайқал топиб келаётган миниатюра санъати анъаналарини давом эттираётган, таъбир жоиз бўлса авлодларга етказаётган миниатюрачи-рассомлар анчагина. Олмалиқлик Хуршид Назаров ҳам миниатюрачиликда ўзига хос тажрибага эга. У 14 йилдирки, бу санъат тури билан жиддий шуғулланиб, ижод қилиб келаётир.*

*— Устозим Қаҳрамон Рисқуловдан мўйқалам билан ишлаш сирларини ўрганганман,— дейди у. — Ўғлим Дониёр ҳам ишимга қизиқиб қолган. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу анъанани у давом эттиришини ўйлаб қувонаман.*

**Азамат АҲМАД олган сурат.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ҲИСОБОТ БЕРДИ

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги навбатдаги фракция йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгайтирилган мажлисда фракция ва партия Марказий кенгаши аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Йиғилишни фракция раиси Х. Дўстмуҳамедов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилдаги ҳисоботи тингланди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларига ажратилган давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланишига доир бир қатор маълумотлар келтирилиб, батафсил ахборот берилди. Хусусан, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича давлат дастурини амалга ошириш учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағларининг тўлиқ шаклланиши назорат қилинди. Республикамизнинг йирик саноат корхоналарида валюта маблағларининг тўлиқ келиб тушиши ҳамда уларнинг оқилона ишлатилиши, шунингдек, сиёсий партиялар молиявий маблағларининг таркиб топиши ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан текширишлар олиб борилди.

Фракция йиғилишида партия фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ифтихор

***Инсон ва жамият... Бу иккала тушунча ўзаро шунчалик боғлиқки, бири бирини ҳеч қачон истисно этолмайди. Чунки инсон борки, аниқ жамиятда яшайди, жамият эса одамлар билан вужудга келади. Турмуш фаровонлиги, мамлакатнинг истиқболли тараққиёти кўп жиҳатдан муносабатларнинг қай тариқа шаклланганлигига боғлиқдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, миллий ғурур туйғулари муҳим аҳамият касб этади.***

## ЭЛ ҒАМИ УСТУВОР БЎЛСА...

Тан олиб айтиш керак: мустақиллик миллатимиз ғурурининг қайта тикланишига кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Халқимиз истиқлолгача ўзлигини англашига уринишлар ҳам бўлди. Лекин очиғи, бунга кўпинча йўл қўйилмас эди. Ҳатто зиёли олимларимиз ҳам бу борада биқиқ сиёсий тузум таъсирида илмий тадқиқот ишлари билан банд эдилар. Оқибат нима бўлди? Башарият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бобокалонларимиз улушларидан бебаҳра қолдик. Фарзандларимиз қалбидан ғурур деган тушунча йироқлаша бошлади. Хайриятки, истиқлол бундай ҳолатларга зарба берди.

Ҳозирги кунда халқимиз маънавиятини нафақат тиклашга, балки уни юксак даражада ривожлантиришга киришилди. Ўтмишдаги алломаларимизнинг муборак номлари қайта шарафланди. Имом Бухорий, Ҳаким ва Имом ат-Термизийлар, Аҳмад ал-Фарғоний каби бир қатор олимларимиз илмий меросларини ўз авлодларига қайтарилди. Жамиятимиз мафкураси, миллат ғояси ана шу тиниқ булоқлардан покиза сув ича бошлади. Айтиш лозимки, бунда Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари, узоқни кўра билиш сиёсати барчамизга ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Яқинда жаҳон ареналарида ўз кучини кўрсата олган боксчи — ўзбекистонлик ўғлон Руслан Чагаев бутун дунё оммасини ҳайратга солди. Ўзидан кўра кучли, вазни деярли эллик кило оғир ва бўй-басти баланд бўлган Николай Валуевни ўн икки раундли жангда матонат билан мағлуб эта олди. Унинг йигитлик ори, мамлакат шаъни, миллат ғурури азму шижоатига қувват берди. Жанг сўнгида: "Ўзбекистон, сени севаман!", — деган сўзлари бунга яққол мисолдир. У ўзбекларнинг ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмаслигини яна бир карра исбот этди. Бу — фақат спорт соҳасидаги ютуқлардан биридир, холос.

Олдимизда кенг кўламли ишлар турибди. Ҳар қандай тўсиқ олдида Русландек чўчимаслигимиз керак. Бугунги кунда Ўзбекистон саноати ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторига кириб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати кун сайин ўз самарасини беряпти. Илмий-техника соҳасида ҳам олим ва муҳандисларимиз янги-янги кашфиётлар қилишмоқдаки, булар юртимиз равнақига ишонч уйғотмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни лозим топдик: одамда азму шижоат қаёқдан пайдо бўлади? Фақат моддий мақсадни кўзлаб меҳнат қилсак, инсоний шарафга муяссар бўла оламизми? Бизнингча, йўқ! Ҳар бир одам ҳар соҳада ҳалол ва сидқидилдан фаолият кўрсатмоғи шарт! Эл ғами устувор бўлмоғи керак. Ҳазрат Навоий айтадилар:

***Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,***
***Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.***

Ҳаётда ғурурсиз одам бўлмаганидек, миллат ғурурланмайдиган жамият ҳам бўлмайди. Зеро, ҳар соҳадаги миллат манфаати унинг ғурурини белгилайди. Бунинг учун маънавий илдизларимиздан куч йиғиб, Руслан Чагаевдек, қайси соҳа бўлмасин, миллатимизни дунёга танитайлик. Миллат ғурури ҳар биримизнинг қалбимизда бўлсин!

**Муродулла ҒАФУРОВ.**

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

## АДАБИЁТ АДИБНИНГ ВИЖДОНИ ЭДИ

Шу кунларда жойларда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда Гулистон давлат университетида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган анжуман ҳам ана шу санага бағишланди. Тадбирга пойтахтдан бир гуруҳ таниқли ижодкорлар, олимлар ташриф буюришди.

Анжуманни Гулистон давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Улуғбек Тошкенбоев очди.

— Бугунги тадбир ажойиб бир кунга, юртимиздаги катта байрам — ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг оламшумул ғалабаси кенг нишонланаётган дамларга тўғри келди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Айни кунларда ҳамма жойларда Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан учрашувлар, тадбирлар ўтказилмоқда, уларда у кишининг шогирдлари, замондошлари адибни хотир-

(Давоми 2-бетда).

Хабар

## КИТОБХОНЛАР АНЖУМАНИ

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши вилоят ахборот кутубхона маркази ва 2-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишланган китобхонлар анжуманини ўтказди. Тадбирда ахборот-кутубхона маркази ходими Барно Боймуродова ҳамда 2-умумтаълим мактаби тарих ўқитувчиси Отабек Назаровлар Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Соҳибқирон ўгитларидан намуналар, куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Анжуман сўнгида кутубхона ходимаси Шарофат Шохназарова ҳамда ўқувчи Ойбек Чориевга фаолликлари учун ЎзМТДП вилоят кенгашининг Фахрий Ёрлиқлари тақдим қилинди.

**Жуманазар АНОРОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.**

## ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП С. Раҳимов туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар — келажагимиз» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

**Партиянинг Мирзачўл туман кенгаши томонидан «Тиббий кўрик — оила мустаҳкамлигининг гарови» мавзуида тадбир ташкил этилди.**

* * *

ЎзМТДП Ромитан туман кенгаши ташаббуси билан «Экологик маданиятни шакллантиришда хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни» мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

**Партиянинг Чирчиқ шаҳар кенгаши томонидан «Оила — тарбия маскани» мавзуида учрашув ташкил этилди.**

* * *

ЎзМТДП Наманган шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Қиз бола — оила кўрки» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

**Партиянинг Қумқўрғон туман кенгаши томонидан «Сиёсий партияларнинг фаолиятида маҳаллаларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**

* * *

ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши ташаббуси билан «Шу азиз Ватан барчамизники!» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

**ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.**

Партия ҳаёти

## Ёш истеъдодга ҳоким совғаси

Қумқўрғон агросаноат касб-ҳунар коллежи талабаси Зилола Яхиева шеърлар машқ қилиб келади. Ёзган машқларини ўқитувчиларга кўрсатиб, маслаҳатлар олади. У ЎзМТДП туман кенгаши раисига шеърларини кўриб беришни илтимос қилди. Яқинда унинг шеърлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида 500 нусхада чоп этилди.

Бир неча кун аввал Зилола таҳсил олаётган коллежда ёш талант соҳибасининг илк шеърлар китобчаси — "Соғинтирган соғинчларим" тўплами нашрдан чиққанлиги муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.

Тадбирни коллеж директори Абдурасул Эсонов очиб, шундай истеъдодли талаба бу ерда таҳсил олаётганидан мамнун эканлигини айтди. Туман ҳокими Нормўмин Чориев ёш ижодкорни биринчи китоби нашрдан чиққанлиги билан табриклаб, унга ва унинг ўқитувчиси Назира Беккуловага қимматбаҳо совғасини тақдим этди.

**Ўз мухбиримиз.**

Партия ва ҳаёт

## ЧЕМПИОННИНГ ЎҚИТУВЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

***Руслан Чагаевнинг мислсиз ғалабаси ҳар бир юртдошимизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишламоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз шаҳару қишлоқларида бўлиб ўтаётган тадбирларда қалби юрт ишқи билан ёнган катта-ю кичик фуқаро Русланни олқишламоқда.***

Ҳа, Руслан Чагаев бугун ҳамма ҳавас қиладиган инсон. Ундаги юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоат ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очди. Бу қувончли воқеа Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳам эътироф этилган эди. Партиянинг Андижон вилоят кенгаши ташаббус кўрсатиб ўта оғир вазнда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ўқиган 50-умумтаълим мактабида бўлиб, унинг биринчи ўқитувчиси Галина Студеникинани йўқлади.

Чемпион таҳсил олган мактаб Андижон шаҳридаги энг яхши таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 103 нафар ўқитувчи 1744 нафар ўқувчини тарбиялаб, камолга етказмоқда. Жамоа шу кунларда мактабнинг 40 йиллик юбилейига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Русланнинг боксда эришган ютуғи бу айёмга муносиб совға бўлди. Мактаб ўқитувчилари-ю ўқувчиларини руҳлантириб юборди. Айниқса, бундан Галина Николаевнанинг боши осмонга етди. Ўз ўқувчисининг шундай инсон бўлиб етишганидан, меҳнатлари зое кетмаганидан бу моҳир мураббий беҳад қувонди. Тиришқоқ, ўз устида тинимсиз изланиб юртимизни шону шуҳратга буркаган Руслан ёшлигида қандай ўқувчи бўлган эди? Вилоят партия кенгашидан ташриф буюрганларнинг бу ҳақдаги саволига Галина Студеникина шундай жавоб қилди:

— Руслан оғир-вазмин бола эди. Ўқитувчиларининг ҳамма талабини доимо бажарар, бирорта ҳам дарсни қолдирмасди. Китоб-дафтарларини яхши сақлар, мактабга кечикмасдан келарди. Кўпчилик билан чиқиша олиши, турли мусобақаларда болаларни ўзига жалб этиши ундаги ўткир қобилият ва салоҳиятдан далолат бериб турарди. Оиласидаги ва мактабдаги муҳит Русланни қатъиятли, адолатли, самимий ва хушфеъл этиб тарбиялади. Қалбида она-Ватанига юксак меҳру муҳаббат уйғота олди. Бу меҳру муҳаббат боис у Россиянинг машҳур боксчиси Николай Валуевни енгиб, катта шуҳрат, мислсиз ғалабага эришди.

Бугун Руслан билан бутун мамлакат фахрланмоқда. Барча юртдошларимиз қаторида чемпионнинг устозлари ҳам Русланни чин дилдан олқишлаб, унга янги ютуқлар, ғалабалар ёр бўлишини тилашмоқда. Улар эзгу ният айлаганидек, омад сендан ҳеч қачон юз ўгирмасин, Руслан. Жуда кўп йиллар мана шундай шону шавкат ва юксак мартаба сенга ёр бўлсин.

**Рустам ЗУХРИДДИНОВ.**

**СУРАТДА: ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси Дилмурод Раҳматуллаев чемпионнинг биринчи ўқитувчиси Галина Студеникина ҳузурида.**

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

# МЕҲР ҚУЁШИ

## КЎНГИЛЛАРНИ ШОД ЭТАДИ

***Тоҳиржон Сулаймонов 54 ёшда. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида яшайди. 2002 йили юрак хуружи туфайли хасталикка чалиниб, ногирон бўлиб қолган. Аммо у ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ. Маҳалла-кўй, қоларверса, шифокорлар беморнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришибди. Ўз навбатида Т.Сулаймоновни иккинчи гуруҳ ногиронлигига чиқарган Тошкент шаҳар марказий тиббий меҳнат эспертиза комиссиясининг 4-ихтисослаштирилган кардиологик тиббий меҳнат экспертиза комиссияси аъзолари ҳам беморнинг соғлиги учун қайғуришмоқда.***

Яқинда комиссия раиси, олий тоифали кардиолог Севара Саипова бир гуруҳ шифокорлар билан ногиронннинг хонадонида бўлишиб, уни қайта тиббий кўрикдан ўтказишди. Касаллик обдон ўрганилганда беморнинг ногиронлик аравачасига эҳтиёжи борлиги маълум бўлди. Комиссия аъзолари шу ернинг ўзидаёқ унга ногиронлик аравачаси учун йўлланма ёзиб бердилар.

— Одамларнинг меҳр қуёши хаста кўнглингни шод этади, — дейди Тоҳиржон ака севинч ёшларини яшира олмай.

Албатта, бу комиссия аъзолари фаолиятидаги ягона ҳол эмас. Жамоа саломатлигини йўқотиб, оғир хасталикка чалинган беморларнинг дардига малҳам бўлишдек эзгу ишга масъулдир. Шу боис ҳам бу ерда ногиронликнинг олдини олиш, даволаш ва реабилитация қилишдек муҳим вазифалар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Тажрибали кардиолог Севара Саипова мазкур комиссияга раҳбарлик қилиб келмоқда. Опа билан бир мақсад, маслак йўлида ёнма-ён ишлаётган биринчи тоифали кардиолог Нодира Салиҳова, олий тоифали терапевт Шоира Исматова ва бошқалар ўзларини доимо беморлар соғлиги учун масъул деб биладилар. Бор тажриба ва билимларини ишга солиб, уларни синчковлик билан тиббий кўрикдан ўтказишади. Ҳаммага бирдек муомалада бўлишиб, ширин сўзларини, маслаҳатларини аяшмайди. Комиссия фаолиятининг адолатли ташкил этилганлиги эса кўпчиликка манзур бўлмоқда.

— Ижтимоий ҳимоя йилида иш кўламимиз янада кенгайди, — дейди комиссия раиси Севара Саипова. — Ҳар ойда режа асосида пойтахтимиздаги поликлиникалар, ногиронлик профилактикаси бўйича маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилмоқда. Ишлайдиган ногиронларнинг шарт-шароитлари билан танишиб, уларга тавсиялар берояпмиз. Зарур ҳолатларда ногиронларни уйларида тиббий кўрикдан ўтказиб, ногиронлик аравачасини олишлари учун уларга йўлланмаларни расмийлаштириб берояпмиз.

Комиссия аъзолари касалликнинг келиб чиқиш сабабларини синчковлик билан ўрганишади. Беморнинг меҳнат қобилиятини аниқлаб, шунга мувофиқ ногиронлик гуруҳини белгилашади.

— Бемор ҳар хил жойга мурожаат этавермай, турар жойидаги оилавий поликлиникага учраши керак, — дейди шифокор Нодира Салиҳова. — Учтўрт ой даволаниб, назоратда бўлиши зарур. Шунда ҳам аҳволи яхшиланмаса, меҳнат қобилияти пасайиб кетса, поликлиника йўлланмасини олиб, тегишли ҳужжатлар билан комиссиямизга келишади.

Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликларининг 2007 йил 28 февралдаги қўшма қарорига асосан бутун тизимда бўлгани каби 4-ихтисослаштирилган кардиологик ТМЭК ҳам Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан савобли ишга қўл урди. Ҳомийларнинг кўмаги билан ёрдамга муҳтож кексаларга ва меҳнатга лаёқатли ёшларга, кам таъминланган, ёлғиз ногиронларга бепул суньий кўз гавҳари қўйдиришни ташкил этмоқда. Бу иш комиссиянинг тавсияси билан тегишли шифохоналарда жарроҳлик амалиётини ўтказиш орқали амалга ошириляпти. Кўриш қобилиятини йўқотганлар бу ёруғ дунёни қайта кўриш бахтига мушарраф бўлишяпти.

**Рустам ДОСТОН.**

**СУРАТДА: Севара Саипова комиссия шифокорлари Нодира Салиҳова, Шоҳиста Исматова ва катта ҳамшира Мақсуда Рустамовалар билан иш пайтида.**

**Азамат АҲМАД олган суратлар.**

Партия ҳаёти

# Миллий тикланиш ва ёшлар маънавияти

***Собир Раҳимов тумани енгил саноат касб-ҳунар коллежи зали ёшлар билан тўла. Зал тўрида мустақил Ўзбекистонимиз байроғи, рамзи ва мадҳияси матни. Яна бир томонда шу ўқув даргоҳи талабалари ижод намуналари — расмлар, миллий либослар. Оппоқ кўйлаклари ўзига ярашиб турган, шоир таъбири билан айтганда, орзулари ойдан ойдин қизлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар Шарифа Салимова, Раъно Зарипова, Мунира Қориеваларни кутиб олишди.***

"Миллий тикланиш ва ёшлар маънавияти" мавзусидаги тадбирни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова очиб, партия фаолияти, ғоялари, партия ҳаётида ёшлар ўрни хусусида гапирди.

Шарифа Салимова коллеж ёшларини баҳор шаббодаларига ўхшатди. Кўзлари ёниб турган қизалоқлар — булар миллатимиз нурлари, Ватанимиз келажаги. Шоиранинг Ватанни улуғлаб битган қайноқ мисраларини йиғилганлар мириқиб тинглашди. Раъно Зарипова яқинда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун моҳияти ҳақида ёшларга тушунтириш берди.

Оламшумул воқеа — ўзбек ўғлони Руслан Чагаевнинг машҳур боксчи Николай Валуев устидан ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони бўлганини йиғилганлар яна бир бор ифтихор билан таъкидлашди. Бу тарихий ғалаба ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очганини эътироф этишди.

— Сизлар энг бахтли авлодларсиз, — дейди депутат Мунира Қориева, — боиси, мустақил юртимизда ёшларга билим олиш, ҳунар ўрганиш учун имкониятлар бисёр.

Коллеж талабалари ўз қўллари билан яратган, атласу адраслардан, шойи-ю беқасамлардан тикилган миллий либослар кўригини тақдим этишди. Рақслар ижро қилдилар.

Тадбирда таълим маскани ўқитувчилари ва талабаларидан бир гуруҳи Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик билетлари тантанали равишда топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан коллеж директори Малоҳат Исматуллаева сафларида кўпроқ зиёлиларни жипслаштирган "Миллий тикланиш" партияси ҳақида гапириб, шундай деди: "Зиёли инсонда жаҳолат бўлмайди".

**Гавҳар ДИЛМУРОДОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.**

Фармон ва ижро

# МАТЛУБА ОПАНИНГ КАШФИЁТИ

**Кичкиналигимизда бир ўсимлик бўларди, номи биз болаларнинг тилимизда — қозонювгич. У сўритокларга чирмашиб ўсар, пўсти сарғайганда пишган ҳисобланарди. Уларни узиб, иссиқ сувга ботириб, пўстини шилишни яхши кўрардик. Ичидаги уруғлар олингач, идиш ювиш учун фойдаланардик. Биз учун бу болалик ўйинларидан бири эди. Лекин уни Матлуба Исмоилова чин кашфиётга айлантирибди.**

Азал-азалдан Марғилон уста ҳунармандлар шаҳри ҳисобланади. Марғилон атласлари доврўғи дунёни тутган. Моҳир чеварлар тайёрлаган дўппиларнинг тури беҳисоб. Бу ҳудуд ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотларнинг юртимиз бозорларида ўрни ўзгача. Шу маънода, Марғилонда фарзандларига болалигиданоқ бирон-бир ҳунар ўргатиш анъана тусига кирган. Матлуба опа ҳам ўн икки ёшида дўппи тикишни ўрганди. Унинг биринчи устози онаси бўлди. Моҳир тикувчи-чевар бўлиши учун бу опага дастлабки поғона вазифасини ўтади. Асли ҳунармандлар оиласида туғилиб, шу муҳитда тарбия топган Матлуба опа ҳунарнинг, ҳалол касбдан келадиган ризқнинг қадрини яхши билади. Бундан ташқари, рўзғорнинг ўзига хос сир-асрорлари мавжуд. Эпли аёл йўқдан бор қила олади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир уй бекасининг уй-рўзғор юмушларида «ихтиро»лари бўлади. Бу ўринда, Матлуба опанинг яратган кашфиёти мақтовга сазовор.

Гап шундаки, Матлуба опанинг ижодкорлиги, моҳир қўллари воситасида ўша қозонювгич мочалка, ҳаммом учун гиламча, ошхона учун керакли буюм, даволаш воситалари каби кундалик турмуш учун зарур бўлган ашёларга айланди. Бу ўсимликни томорқага экишдан бошлаган опа тор доирада чекланмади. Уни турли шаклларга солиб, атрофига мағиз тикиб, безак берди, турфа маҳсулотлар тайёрлади. Бу ҳунари ўз атрофидаги қиз-жувонларга ўргатди. Опа раҳбарлигида «Луффа» хусусий корхонаси ташкил этилди, маҳсулотларнинг тури қирқдан ошди.

Президентимиз соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови кўргазмаларидаги «Луффа» хусусий корхонаси маҳсулотлари кўпчиликни ҳайратга солди. Ҳақиқатан, кўпчилик назарига илмайдиган оддий бир ўсимликдан нафақат эътибор тортадиган, балки даволаш хусусиятига эга бўлган, табиий тоза маҳсулот тайёрлаш мумкинлиги ҳаманинг ҳам хаёлига келавермайди. Матлуба Исмоилова «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг Республика босқичида қатнашди.

Истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан тадбиркор, ишбилармонларга катта эътибор берилмоқда. Анъанавий «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови ҳам шу эътиборнинг ёрқин намунасидир. Матлуба опа ҳам бу эътибордан мамнунлиги, яратилаётган шарт-шароитлар тадбиркорлар учун қанот бўлаётганлигини таъкидлади. Ҳозир у кишининг корхонасида 30 нафар хотин-қизнинг кўпчилиги Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан касаначилик асосида иш олиб бораётганлигини айтиб ўтадиган бўлсак, фикримиз ўз исботини топади. Опанинг «Мустақилликнинг 15 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирлангани унинг қувончига қувонч қўшди.

Ғайратли инсонлар ҳеч қачон бир ерда туриб қолмайди. Матлуба опанинг ҳам режалари, эзгу мақсадлари бисёр. Опанинг шижоатига, истеъдодига маҳсулотлари орқали баҳо берар эканмиз, бу режаларнинг, хайрли ниятларнинг амалга ошишига ишондик.

**Зумрад ВАҲОБОВА, «Миллий тикланиш» мухбири.**

# АДАБИЁТ АДИБНИНГ ВИЖДОНИ ЭДИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

лаб, унинг номини ёдга олишмоқда. Албатта, бундан устоз руҳи шод бўлиши шубҳасиз. Мен ёшлар адибнинг китобларини янада кўпроқ ўқишларини истардим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов ўз сўзида мазкур учрашувни ташкил этишда ЎзМТДП вилоят кенгаши, партия фаолларининг хизматлари катта эканлигини таъкидлади.

— Бугун адабиёт, сўз санъати, эл суйган адиб Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида тўлиб-тошиб гапирадиган кун, — деди у. — Адибнинг ижоди бетакрор. Айниқса, унинг ҳикоялари бир олам. Улар ҳаётнинг қуйма лавҳалари, лаҳзаларини акс эттиради. Асарларини ўқиган киши ҳаяжонга тушмай қолмайди. Абдулла Қаҳҳорнинг тили «аччиқ», «заҳар» дейишгани бежиз эмас. У ҳаётдаги иллатларни, одамларнинг салбий феъл-атворларини ана шу «аччиқ» тил билан, лўнда фикрлар билан фош этган.

— Абдулла Қаҳҳорни ХХ аср ўзбек адабиётини елкасида кўтарган ижодкорлар — Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ойбек ва бошқа адиблар қаторида тилга оламиз, — деди «Шоҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, филология фанлари доктори Наим Каримов. — Биринчи ўзбек романини Абдулла Қодирий ёзган бўлса, ўзбек ҳикоячилигига Абдулла Қаҳҳор асос солган. Ойбек ва Ғафур Ғулом ўзбек шеъриятини ривожлантирган, ўзбек поэзиясини ўз даврининг ҳаётий ҳақиқатлари, ҳаётбахш ғоялари, ҳаётий ҳақиқатлари ва ҳаётий ҳаракатлари ва ҳаётий ҳаракатлари ва ҳаётий ҳарак

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

# АНГРЕНДА ШУНДАЙ КОЛЛЕЖ БОР

*Ангренда шундай коллеж бор: ўқувчилари илмга ташна, касб-ҳунар ўрганишга иштиёқманд. Устоз-мураббийлари эса фидойи. Ёшларни чин дилдан севишади. Уларнинг камолотини ўзларининг бахт-саодати деб билишади. Шу боис Ангрен политехника касб-ҳунар коллежини битираётган талабалар ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашмоқда.*

Транспорт воситаларини ишлатиш, тоғ-кон электр жиҳозлари, фойдали қазилмаларни бойитиш, бухгалтерия ҳисоби, молия, банк иши каби 11 та муҳим ихтисосликнинг тажрибали мутахассисларига айланишаяпти.

— Мустақиллик боис ҳаётимизда кўплаб ўзгаришлар рўй бермоқда, — дейди коллеж директори Зоирхон Рашидхонов. — Айниқса, таълим соҳасини ривожлантиришда улкан имкониятлар яратиляпти. Сабаби, ҳозир мамлакатимизда таълимдаги ислоҳотларни амалга оширишда, буюк давлат барпо этишдек олижаноб орзуларимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, ёшларни салоҳиятли, ўз касбининг етук мутахассиси этиб тарбиялаш доимо асосий вазифа бўлиб қолаверади. Ахир, ўқиб, касб-ҳунар эгаллаш, ўз соҳасининг пешқадами бўлиш қайси инсонга зийнат бағишламайди, дейсиз? Яхши касб эгаси ҳам халқига, ҳам ўзига катта фойда келтиради. Камолотга эришиб, эл ичида иззат-икром топади. Шунинг учун ҳам ўз фарзандларини илмли, ҳунарли қилиб вояга етказиш халқимизнинг улуғ хислатига айланган.

Бу мақсадни ўзида мужассамлаштирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури такрорланмас ва бебаҳо хусусиятга эга. У мамлакатимизнинг халқаро андозалардаги тараққиётини таъминлай оладиган, мустақил тафаккурли, малакали, билимли мутахассисларни, айни пайтда ички инсоний фазилатлари камолотга етган кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Шундай улуғ, муҳим вазифаларни амалга оширишда коллежимиз жамоаси ҳам катта ютуқларга эришиб келмоқда. Зарур мутахассисликлар бўйича илм масканимизда 1334 нафар талаба тарбияланаяпти. Уларнинг пухта илм ва касб эгаллашлари учун барча шароитларни яратганмиз. Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, ёпиқ спорт зали, 400 ўринли шинам ётоқхона, 100 ўринли ошхона, ахборот ресурс маркази ўқувчиларимиз хизматида.

Таълим сифатини ошириш билан биргаликда ўқув даргоҳимизга қарашли ҳудудни кўкаламзорлаштириб, ободонлаштиришга, қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Кейинги уч йил ичида коллежимизнинг олд томонига чим ётқизилиб, 60 туп арча экилди. 400 тупдан зиёд гул кўчатлари ўтказилди. Очиқ майдонлар текисланиб, кўкаламзорлаштирилди. Спорт ва фаоллар зали қайта таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланди. Ўқув ва лаборатория хоналарининг барчаси, шу билан бирга ички йўлаклар таъмирдан чиқарилди. Маънавият-маърифат ишларини ривожлантириш мақсадида кутубхона ўрнида ахборот ресурс маркази ташкил этилди.

Ўзларига бўлган жиддий эътибор ва яратилаётган шароитлардан коллеж ёшлари мамнун. Чуқур билим олишга ва касб-ҳунар кўникмаларини пухта эгаллашга бўлган қизиқишлари, интилишлари билан бу ғамхўрликларга амалий жавоб беришмоқда. Жумладан, ҳуқуқ фанидан вилоят бўйича ўтказилган олимпиадада Дилдора Файзуллаева 3-ўринни эгаллади. Алёна Глязнова эса рус тили ва адабиёти фани бўйича бўлиб ўтган худди шундай олимпиадада муваффақиятли иштирок этди. Талабаларнинг спортдаги ютуқлари ҳам қувонарли. Оммавий спорт ўйинларининг ўн беш тури бўйича Ангрен шаҳри коллежлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 2-ўринни эгаллашиб, бешта тур бўйича ви-лоят босқичига чиқишди. Бундан ташқари, илгариги бўлиб ўтган "Баркамол авлод" мусобақаларида коллеж ёшларининг олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритганликларини эсласак, илм даргоҳида ёшларнинг спортга қанчалик меҳр боғлаганликлари аён бўлади. Коллежда иш олиб бораётган 7 та тўгаракда ўқувчилар миллий кураш, енгил ва оғир атлетика, қўл тўпи, футбол, волейбол билан шуғулланишмоқда. Уларга жисмоний тарбия раҳбари Умиджон Хўжабоев, республикада танилган мураббийлар Улуғбек Абдураҳмонов ва Анатолий Ишимко мураббийлик қилишяпти.

Ёшлар ўзларига чуқур билим бераётган устоз ва мураббийлардан доимо миннатдор. Айниқса, Машкура Асқарова, Мақсуда Эркабоева, Ўлмасой Қидирова, Насиба Кабайкина, Малоҳат Қўшоқова, Роза Собирова, Машариф Тошматов, Нилуфар Умарова, Зоя Цой, Жасур Кунишев, Севара Тошхўжаева, Шуҳрат Норматов, Гулчеҳра Имомова сингари тажрибали мураббийлар уларга сабот билан илм бериб, касб-ҳунар ўргатишяпти. Маънавият, маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Гулчеҳра Холдибекова яқинда 60 ёшга тўлди. Ёшларни ўз фарзандидек қадрлаган бу аёл шу жамоада 30 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, юксак мартаба, ҳурмат эҳтиромга эга бўлди. Опани бутун жамоа, касбдошлари, ўқувчилар қутлуғ айём билан муборакабод этдилар.

Коллеж жамоасининг ютуқлари нимада?

Аввало ўз ишларига масъулият билан ёндошаётганликларида, 8 та кафедранинг самарали фаолият кўрсатаётганида ва қатор ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатганлигидадир. Жумладан, Тошкент вилоят Давлат педагогика институти, Тошкент молия институти, Тошкент автомобиль йўллари институти, Навоий Давлат кончилик инс-титутининг Олмалиқ факультети билан тузилган шартномалар таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Коллежда бўлиб, қайси бир ўқитувчи билан суҳбатлашманг, "Ёшлар бизнинг келажагимиз", дейишади фахр билан. Бу эса уларнинг келажак авлод камолотига масъул эканликларини ифодалайди. Ахир ёшлар камоли — юрт жамоли, деб бежиз айтилмаган. Уларга бўлган беқиёс эътибор, чексиз меҳру муҳаббат ўз мевасини бермоқда. Ёшлар илм олиб, касб-ҳунарли бўлишмоқда. Шоир Сайидо Насафий айтганидек:

***Ҳеч кимга ялинмас ҳунарли инсон,***
***Ризқин ўз боғидан топади боғбон.***

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
**"Миллий тикланиш" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: коллеж директори Зоирхон Рашидхонов; жамоа фаолиятидан лавҳалар.**

ЁШЛАР ВА ЗАМОН

# ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

***Бугунги ёшларнинг жисмонан соғлом, илмли, одобахлоқли, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарияти томонидан зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Таълим-тарбия соҳасида қўйилаётган ҳар бир қадам мана шу эзгу ишларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.***

Олти йил аввал Оила маросимлари маркази қошида "Оила — муқаддас Ватан" шиори остида иш бошлаган ёш оила қурувчилар мактаби фаолияти ҳақида ҳам бугун мана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Чунки ушбу мактаб машғулотларида ҳозиргача касб-ҳунар коллежларининг ёшлари ҳамда оила қуриш учун ариза берган бўлажак келин-куёвлар қатнашиб, ўзлари учун зарур бўлган йўл-йўриқ ва маслаҳатларни олмоқдалар.

Адлия вазирлиги ва республика Оила дорилфунуни махсус курси режаси асосида фаолият юритиб келаётган бу мактабнинг асосий мақсади ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш, уларнинг қалбида миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат уйғотиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш сингари эзгу ниятлардан иборат. Бундан ташқари, бу ерда оила қонунчилиги, тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича билим бермоқдалар.

Яқинда туманимиздаги 4-умумтаълим мактабида ва Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида ёш оила қурувчилар мактабининг нав-батдаги машғулоти бўлиб ўтди. Ўтказилган тадбирда туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими, "Камолот" ЁИҲ ва ФҲДЁ бўлими вакиллари иштирок этишди. Унда ФҲДЁ бўлими мудираси Д.Набиева никоҳ тузиш тартиби, шартлари ва унинг қонуний асослари тўғрисида гапирди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшлар ўз келажагига ишонч билан қарашлари, бу йўлда қийинчиликлардан қўрқмаслик зарурлиги, мустаҳкам оила қўрғони юрт ободлигининг нишонаси эканлигини айтишди. Давра суҳбатининг давоми қизғин мулоқот ва баҳс-мунозараларга айланиб кетди. Ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Коллежда ўтган давра суҳбати ҳам талаба ёшларда катта таассурот қолдирди. Уларнинг таклиф-мулоҳазалари, ўй-фикрларини айтишга интилишлари тадбир ташкилотчиларини қувонтирди.

**Э.ҲАЛИМОВА,**
**Мирзаобод тумани ФҲДЁ бўлими нозири.**

Президентимиз

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда катта пойдевор бўлиши алоҳида таъкидланди.***

# МЕҲР-ОҚИБАТ БОР ЖОЙДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Бунда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда маҳаллаларга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ушбу институтнинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Уларнинг равнақи учун зарур шарт-шароит яратилиб, фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштириляпти. Тегишли қонун ҳужжатлари асосида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбони каби тузилмалар иши йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда бу ишлар учун масъул кишиларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими фаолиятига оид қонун ҳужжатларидан яхши хабардор бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда раҳбарлик малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир ҳаракат дастури ҳам қабул қилинган. Шу асосда Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зарур чора-тадбирларни амалга оширяпти.

— Мамлакатимизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари иштирокида ўқув семинари ўтказилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи, подполковник Абдужаббор Абдунабиев ЎзА мухбирига. — Асосий эътибор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларини мазкур тузилма фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан таништиришга қаратилди. Маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, ёшларнинг жамият равнақидаги фаоллигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Бу вазифаларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши халқимиз осойишталиги ва фаровонлигининг асоси бўлиб хизмат қилаётганини пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний номидаги маҳалла мисолида кўриш мумкин. Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бу маскан, аввало, ободлиги билан кўзни қувонтиради.

— Маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликда фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган янги бинода иш бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди маҳалла оқсоқоли Б. Саидов. — Аммо бу қулайлик ишимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб улгурди. Аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар учун фойдали ўқув курслари, кичик бизнес шахобчаларини кенгайтириш имконияти туғилди.

Маҳаллада бекорчи кишини учратмайсиз. Одамлар қувончу ташвишларини маҳалла оқсоқоли билан баҳам кўриши муаммолар юзага келишининг олдини олишга хизмат қиляпти. Шунинг учун ҳам маҳалла муҳити соғлом. 2005 йилдан буён бу ерда бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани бу фикрнинг тасдиғидир.

Шу боис маҳалла аҳли жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» танловида биринчи ўринни қўлга киритган.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Хотира

# МАЪНАВИЯТЛИ ИНСОН ЭДИ

**Одамларнинг яхшиси одамларга фойдалироғидир.**
(Ҳадисдан)

Жиззахда Мўмин Қаҳҳор деса ҳамма танийди. У пахтачилик, чорвачилик ва ғаллачилик илмининг усталаридан бири эди. Кимники, исми-шарифини халқона қилиб тилга олар эканмиз, демак, у эл назарига тушган. Машҳур ёзувчилардан бирининг таърифи билан айтадиган бўлсак: "Мўмин Қаҳҳор қишлоқ хўжалигини яхши биладиган, бу тармоққа маданият олиб кирган фидойи инсон эди". Ҳа, у меҳнатсеварликни, тартиб-интизомни, лафзи ҳалолликни ҳаётининг мазмуни деб биларди.

Тақдир экан, Мўмин ака ҳақида бугун "эди" сўзини қўшиб гапириб турибмиз. Бу биз учун оғир. Аммо муқаддас китобда битилганидек, "ҳар бир жон ўлим шарбатини тотгувсидир", ва яна шу китобда ёзилганки, "яхши амалларни қилгувчи зотларнинг ажр-мукофоти нақадар яхшидир..."

Мўмин Қаҳҳор ҳаётини яхши амалларни қилишга бахшида этган инсон эди. У қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида қирқ беш йил ишлади. Меҳнат қилганда ҳам бошқалар ибрат оладиган бир тарзда фаолият кўрсатди.

Мўмин ака тажрибаси ўзига хос бир мактаб. Ҳозирги кунда унинг шогирдларини шу даргоҳнинг ўқувчилари десак адашмаймиз. Нафақат Жиззах туманида, балки, вилоятда ундан ўрганганларини ҳаётга тадбиқ этиб кам бўлмаётган ил-ғор фермерлар, чорвадорлар истаганча топилади.

Жиззах туманидаги "Мамарашидбобо" фермер хўжалиги бошлиғи Орзиқул Рашидов шундай эслайди: "Мўмин ака мен учун нафақат қишлоқ хўжалигида, балки, ҳаётда ҳам устоз эди. Бундай маданиятли, тўғрисўз инсон билан бирга ишлаган дақиқаларни ҳеч қачон унутмайман. Пахта етиштириш, чорва боқиш, боғ парваришлаш, ободончилик ишларини қойиллатарди. Дабдаба ва кибру ҳавога берилмаган, қатъиятли инсон эди. Худо ёрлақаган, ризқи улуғ одамнинг ўрни тезда билинар экан. Ҳатто, ўстираётган ниҳолига ҳам фарзандига меҳрибон отадек меҳр кўрсатадиган боғбон эди. Боғлар, гулзорлар яратишни жудажуда севарди».

**СУРАТДА: Мўмин ака ҚАҲҲОРОВ оила аъзолари билан.**

Шогирдлари Ҳотам Қобилов, Нишонбой Турсунматов каби фермерлар билан ҳам Мўмин аканинг инсонийлик хислатлари ҳақида самимий суҳбатлашдик. Эл-юрт учун меҳнат қилганнинг номи доимо шундай эъзоз топаверади.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишдаги фидокорона меҳнатлари учун у Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 1996 йили "Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" унвонини олишга сазовор бўлди. Мўмин ака етакчилик қилган хўжаликлар доимо донг-дор бўлган. 2001 йилдан 2006 йилгача "Сингдор М.Қ" фермер-хўжалигини бошқарди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам фермер хўжалиги режаларини ортиғи билан адо этган.

Ота-боболаримиздан қолган ҳикмат бор: "Мўмин кишига берилган нарсаларнинг яхшиси чиройли хулқдир». Хуш хулқли зурриётлардан шод-хуррамлик кўришнинг ўзи бир бахт. Мўмин Қаҳҳор шундай бахтга мушаррраф бўлган ота эди. Унинг фарзандлари падари бузрукворини, волидаи муҳтарамасини эъзозлаганини кўриб ҳавас қилардим. Фарзандлари уни шу қадар ҳурмат қилиб муомала қилганларини кўриб, менинг фарзандларим ҳам уларга ўхшасин, деб ният қилгандим.

Дастурхони меҳмонлар учун доимо очиқ, файзли хонадонда бир неча маротаба ҳамсуҳбат бўлганман. Мўмин ака ижод аҳлини бошига кўтариб юрадиган маънавиятли инсон эди. Ширин суҳбатлару дийдорлашувлар ғанимат экан.

Хулқи зебо, аҳил оила аъзолари ипга тизилган дур ва гавҳар каби бир-бирларини безайдилар, дейди донолар. Мўмин Қаҳҳорни хотирлаб яна шу хонадондамиз. Жавон тўла китоблар. Уй тўрида Мўмин аканинг сурати. Худди тирикдай боқиб турибди. Турмуш ўртоғи Зеби, она, фарзандлари билан у кишини хотирладик. Тўнғич ўғил Камолжон ота изидан бориб фермерлик юкини елкасига олганини эшитиб, от ўрнини той босар, деган нақл хаёлдан кечди...

**Ўринбой КЕНЖАЕВ.**

Тақдимот

# ФАҚАТ ИЛМИЙ ЯНГИЛИКЛАР ҲАҚИДА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Ирмоқ" журнали тақдимоти бўлиб ўтди. Бу журнал бошқа даврий нашрлардан фарқли ўлароқ турли соҳа ва тармоқларга илмий мурожаат этишни кўзда тутади. Шунингдек, фанда кузатилаётган тараққиёт, тадқиқотлар натижасини ўзида акс эттириб, инсон тафаккурини бойитувчи, борлиқ ҳақидаги тасаввурларини ривожлантирувчи материалларни ҳам чоп этиб боради.

— Журналимиз кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлиб, илм тараққиётига озгина бўлса-да ўз ҳиссасини қўшиш истагидаги ҳар бир тадқиқотчи, олим, талаба, ҳуллас, барча учун минбар вазифасини ҳам ўтайди, — дейди журнал бош муҳаррири Ҳамза Жумаев. — Шунингдек "Ирмоқ" журнали интернет тармоғида ҳам ўз сайтига эга. Ушбу сайтда ўқувчилар билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда таҳририятдаги маълумотлардан ҳам фойдаланиш имкони мавжуд.

**Нуржаҳон АВАЗОВА,**
**«Миллий тикланиш» мухбири.**

# МУРУВВАТ ЁРДАМИ ЕТКАЗИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилган навбатдаги саломатлик поезди кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларига кийим-кечак, пойабзал, санитария-гигиена воситаларидан иборат умумий қиймати 50 миллион сўмлик мурувват ёрдамини етказиб берди. Бу поезд "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Йил бошидан буён бундай саломатлик поездлари ва автопоездлари Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларига жўнатилди. Ёрдамга муҳтож одамлар ва ижтимоий объектларга етказиб берилган инсонпарварлик юкининг қиймати 250 миллион сўмни ташкил этади. Жорий йил охиригача давлат дастурига мувофиқ бундай поездлар республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам юборилади. Ушбу мурувват юкларини шакллантириш учун ҳомийлар ёрдамидан ташқари экологик ҳашарларни ўтказишдан тушган маблағлардан ҳам фойдаланилади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ФОТОЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА:

# БАҲОР МАНЗАРАЛАРИ



*«Зоминда ўрик гуллабди», «Сепкиллари гўзал», «Ошиқ капалак», «Асал топиш машаққати», «Ҳайрат»... Унинг фото архивида бундай ноёб кадрлар жуда кўп. Фотожурналист Ҳасан ПАЙДОЕВ қайси вилоятга хизмат сафарига чиқмасин, бир олам янги суратлар билан қайтади. Унинг шоирона нигоҳи, ҳайратлари бу суратларни кўрган ҳар қандай кишининг кўнглига кўчади. Уларга узоқ тикилиб қоласиз. Бир лаҳза бўлса-да, кундалик ташвишларни унутиб, ўзингиз пайқамаган олам мўъжизаларидан баҳраманд бўласиз.*

Ўқинг, қизиқ!

# УНИВЕРСИТЕТЛАР ТАРИХИДАН

**Ер юзидаги энг биринчи олий ўқув муассасаси милоддан аввалги 176 йилда Афинада очилган. Унда саккизта фалсафа, иккита ҳуқуқ кафедраси бор эди.**

* * *



"Университет" атамаси эса V асрга келибгина пайдо бўлган. Византия императори Феодосий 425 йили Константинополда очилган олий мактабни шундай номлаган.

* * *

**Европа мамлакатларида университетлар — Оксфордда 1200 йили, Кембрижда 1209, Лиссабонда 1290, Прагада 1348, Краковда 1364, Венада эса 1365 йили ташкил этилган.**

* * *

"Декан" сўзининг ҳам келиб чиқиш тарихи бор. Қадимги римликлар аскарий қисмлардаги ўнбошилик (ўн аскар бошлиғи) лавозимини, ўрта асрлар даврида эса католик черковларида аббатларнинг ёрдамчиси ҳисобланган монархларни "деканус" деб юритишган.

Ҳозирда олий ўқув юртларида факультет бошлиғини англатувчи "декан" сўзи шундан келиб чиққан.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

# «БАҲОРИСТОН»ДА БАЙРАМ

***Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Баҳористон" маҳалласи шаҳардаги энг аҳил маҳаллалардан бири. Бу ерда эллиқдан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Лекин маҳаллада бўладиган тадбирлардан ҳеч ким четда қолмайди. Ўзбекнинг тўйида қозоқ ҳам, татар ҳам, қирғиз ҳам, рус ҳам бирдек бел боғлаб хизмат қилади. Корейс ёки уйғурнинг тадбири ҳам қўшниларининг иштирокисиз ўтмайди.***

*Маҳаллада байрамларни биргаликда нишонлаш яхши анъанага айланган. Наврўз байрамида маҳалладошлар ҳалим тайёрлашди. Шу баҳонада ҳаёт ташвишлари билан бўлиб бир-бирини учтўрт кун кўрмаганлар дийдорлашди, беморлар, кексаларнинг ҳолидан хабар олинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, дунёда рўй бераётган воқеалар, маҳаллани янада ободонлаштириш, ёшлар тарбияси ҳақида ажойиб суҳбат бўлди. Шунингдек, даврада куй-қўшиқ янгради, маҳалладошлар ўйин-кулгу қилишди. Маҳалла ҳудудида жойлашган 583-боғча болаларининг чиқишлари даврани яна ҳам қизитди.*

*— Айрим жойларда бир йўлақда ёнма-ён яшайдиган икки қўшни бир-бирини танимайди, — дейди маҳалла фаоли Баҳодир Ибрагимов. —Бизнинг "Баҳористон"да эса ундай эмас. Маҳаллада ўтадиган тадбирларга ҳаммани жалб этамиз. Улар шу ерда танишадилар, кейин борди-келди қилишади. Аслида маҳалланинг вазифаси ҳам шу — одамларни бир-бирига яқинлаштириш-ку.*

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

Қатра

***Бу кекса домла доим дарсларга кечикиб келади. Қўлидан китобларга тўла портфелини ҳеч қўймайди. Гўёки бутун бойлиги шунинг ичида турадигандек.***
***Борди-ю, талабалар бирорта савол билан мурожаат қилишса, дарров портфелини очиб, китоб қидириб кетади. Болалар атайлаб савол бериб домлани чалғитишади.***

# ПОРТРЕТ

У китоб билан сўзларини исботлагунича дарс тугайди. Лекин баҳога хасис эмас. Ўзингни сал одобли, ниманидир ўрганишга интилаётган қилиб кўрсатсанг бас, баҳоингни оласан.

Бир куни домла дарсга қўлида катта портрет билан кириб келди.

— Бу сизларга совға, маъқулроқ жойга осиб қўйинглар, — деди.

Мунисгина бир аёл акс этган бу портрет хонамизнинг тўридан жой олди.

Иккинчи чорак якунланяпти. Рейтинг дафтарчасига баҳо қўйдириш мавсуми. Талабалар югуриб-еладиган пайт. Бутун бошли курс ҳамма домлаларга баҳо қўйдириб бўлган. Фақат ҳалиги кекса домлани топишнинг иложи йўқ. Уни топиб, ҳамкурсларга ҳам баҳо қўйдириб келиш менинг зиммамга тушди.

Домланинг уй манзилини топиб, йўлга отландим. Эшик қўнғироғини босдим, ичкаридан: «Кираверинг, эшик очиқ», — деган овоз эшитилди. Ичкарига кирдим. Сигарет ҳидига аралашиб кетган мойбўёқнинг ҳиди гуп этиб димоғимга урилди. Торгина хона, бетартиб жойлашган ҳар хил суратлар... Бурчакда бўшаган шишалар. Хонанинг аҳволидан анчадан буён бу ерга аёл кишининг қўли тегмагани сезилиб турарди.

— Ҳойнаҳой, сиз дадамни қидириб келган бўлсангиз керак?

Йигитнинг саволидан хаёлим бўлинди.

— Тоби қочиб, дўхтирга тушиб қолгандилар, — деди йигит. — Ўзлари сал нарсага «переживать» қилаверадилар.

— Сиз рассоммисиз? — сўрадим мен.

— Ҳа рассомман.

— Домла икковларингг шу хонада бирга яшайсизларми?

— Ҳа, ўзим яқинда «курорт»дан қайтдим. Арзимаган бир ишкал учун уч йил «дам олдим».

— Суратларингиз чиройли экан...

— Ҳа, яқинда улардан бирини сотдим, — оғзимдан гапимни илиб кетди йигит. — Дадамнинг ишхонасида биттаси ишқивоз бўлиб қолганмиш. Нақ эллик минг сўмга сотиб олибди. Шу-да, яхши чиссанг, харидорнинг ўзи келади. Ўзи у сурат унчалик ҳам зўр эмасди. Оддийгина бир аёлнинг портрети эди, холос.

Йигитнинг охирги сўзидан ҳайратга тушдим.

— Қанақа портрет? — шошиб сўрадим.

— Оддийгина расм эди. Хайронман, яна тўртта домла шунақасидан сўраган эмиш.

Бир зумда кўз олдимга хонамиздаги сурат келди.

Домланинг уйидан қайтишда йўл-йўлакай у ҳақда ўйлаб келдим. Унинг кўзлари доим маҳзунлигининг сабабини энди англагандекман.

Кейинчалик бу одамнинг ҳаёти ҳақида суриштириб билдим, бутун умрини илмга бахшида этган домла аёли оламдан ўтгандан сўнг икки фарзандини ўйлаб қайта уйланмаган экан. Негадир домланинг ўғлига ҳам ачиниб кетдим. У чизган портретлар ичида бир неча нусхада чизилган оилавий сурат кўз олдимдан кетмайди: домла, ёшгина аёл, қучоқларида бир ўғил бола ва қизалоқ.

Суратдаги ўғил бола — бояги рассом йигит. Уни кўрган одам шу камсуқум домланинг ўғли эканлигига ишонмайди. Домла эса... Ҳамиша ҳамманинг кўнглига қараган. Ўғлининг кўнгли чўкмасин, истеъдоди синмасин деб, унинг ўзига сездирмай, чизган суратларини маошидан сотиб оладиган домла...

Энди қаерда бирор портретга кўзим тушса, беихтиёр ўша домламиз ва рассом ўғилнинг тақдири ҳақида ўйлайвераман.

**Муҳаммад СИДДИҚ.**

# Жаҳон ҳафта ичида

## АЛВИДО, ГУАНХЭ

***Пекин ҳокимияти шаҳарнинг энг қадимий биноларидан бири жойлашган Гуанхэ операсини янги бинога кўчириш ҳақида қарор чиқарди.***

Ушбу опера Пекиннинг тарихий квартали Цяньмэнда жойлашган эди. XVII асрда Минь сулоласи даврида қурилган эски бино 2000 йилда фойдаланиш учун хавфли, деб топилган эди. Эндиликда ушбу опера замонавий бинога эга бўлади, деб хабар тарқатади France Presse. Театрнинг янги биноси қаерда жойлашиши ҳали аниқланмаган.

Бино XVIII асрнинг бошидан бошлаб Гуанхэ операси учун қаророгоҳ вазифасини ўтай бошлаган. Бунга қадар у бой савдогарлардан бирининг мулки саналган. 1960-70 йилларда театр ўзининг сўнгги йиллардаги Уйғониш даврини бошдан ўтказган эди. Бу даврда Гуанхэда XX асрнинг энг машҳур артистларидан бири Мэй Ланьфан ижод қилган.

## ЛАТВИЯДА ЯНГИ ЧЕМПИОНАТ

***Латвияда илк маротаба аёларни кўтариб юриш бўйича чемпионат ўтказилади. "Мени тоққа олиб чиқ" дея шартли номланган ушбу тадбир Ригадан узоқ бўлмаган Рамкальне истироҳат боғида ўтказилади.***

Маҳаллий Novo News интернет газетаси тарқатган хабарларга кўра, ушбу чемпионат халқаро мусобақа қоидалари асосида ўтказилади. Маълумки, халқаро чемпионат 12 йилдан буён мунтазам равишда Финландияда ўтказиб келинади. Сал олдинроқ бу мусобақалар Эстонияда ҳам йўлга қўйилганди.

Латвия чемпионатининг ягона фарқи шундаки, эркакларга "керакли тош", яъни турмуш ўртоқларини тоққа кўтариб чиқишларига тўғри келади. Мусобақалар регламентида вазни 50 килограммдан кам бўлмаган аёллар иштирок этиши белгилаб қўйилган. Чемпионатда эса 18 ёшга тўлган жуфтликлар қатнашиши мумкин. Дарвоқе, иштирокчилардан расмий никоҳ гувоҳномаси талаб қилинмайди. Фақат сўнгги бир йил давомида улар бирга яшашган бўлса, шунинг ўзи кифоя.

## ЛУВРНИНГ РИМЛИК РАҚИБИ

***Рим ҳукумати экспонатларининг бойлиги ва майдони жиҳатидан Париждаги Луврга бемалол рақобат қила олиши мумкин бўлган "Катта Капитолий" музей-кварталини қуриш лойиҳасини эълон қилди. "Италия пойтахти мэри Вальтер Вельтрони ушбу лойиҳани тўғридан-тўғри "янги Лувр", деб атади", деб қайд этади ANSA.it агентлиги.***

Ушбу кварталнинг майдони 61 минг квадрат метрни ташкил этади (Луврнинг майдони 70 минг). Унинг маркази Капитолий музейлари бўлади. У ердаги музейлардан бирида Рим цивилизацияси музейидаги экспонатлар жойлашади. "Янги Лувр" таркибига шу йилнинг октябрь ойида очлиши режалаштирилаётган Императорлар форуми музейи ҳам киритилади. Форум яқинида жойлашган Палаццо Ривальди қасри ҳам музейга айлантирилади: ундан антик ҳайкаллар жой олади.

"Катта Капитолий" ўнлаб йиллар давомида жой етишмаслиги туфайли омборларда ётган экспонатларни намойиш этиш имконини беради. Ўз навбатида Рим ҳукумати ушбу лойиҳанинг муваффақият қозонишига ишонади. Боиси, антик асарлар намуналарини кўришни истаган туристлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

## САККИЗ НАФАР ЭГИЗАК

**Жазоирлик 27 ёшли аёл бир йўла саккиз нафар фарзанд кўрди.**

Ҳозирда уларнинг олти нафари соғ-саломат.

Чақалоқларнинг оғирлиги 700 грамдан 1,3 килограмгача.Кейинги ўттиз йил давомида Жазоирда тўрт нафардан кўп эгизак туғилмаган экан.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

***«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.***
***Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.***
***Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.***

Санъат

# НОГИРОН БОЛАЛАР ОЛАМИ

***"Ўзбекистон — Япон-профессионал менежмент дастури ҳомийлик клуби ташаббуси билан ногирон болаларнинг санъат буюмлари ва расмлари кўргазма хайрия бозори бўлиб ўтди.***

Унда ногирон болаларнинг ўз қўллари билан чизган суратлари, ишлаган буюмлари, барча ижод намуналарини кўриб, ҳайратда қолдик. Бу болалар дунёга дард билан келганлиги сабабли улар ҳаёт имкониятларидан тўла фойдаланишларига имкон бермайди ёки чегаралаб қўяди. Шу сабаб ҳам улар ўз ҳиссиётларини тасвирларида ифодалашади. Болаларнинг кўзларидаги ўтинч ҳеч кимнинг нигоҳини четлаб ўтмайди. Хайрия бозорида намойиш этилган болалар театрлари, мусиқали концертлар ногирон болаларни ҳамда барча хайрия қатнашчиларини бир зум бўлса-да дунё ташвишларини унутишига сабаб бўлди.

**Нуржаҳон АВАЗОВА.**

***ЎзМТДП Марказий кенгаши Ўзбек Миллий академик театри билан ҳамкорликни йўлга қўйганига анча вақт бўлди. Сурхондарё вилоят кенгашининг М.Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри жамоаси билан ўрнатган алоқасини ҳам бу хайрли ишнинг давоми дейиш мумкин.***

# «АЯЖОНЛАРИМ» САҲНАДА

Зотан, бошқа санъат даргоҳлари каби театр ҳам миллийлигимизни, миллий ғоя ва урф-одат, анъаналаримизни тарғиб қилувчи, ёш авлоднинг қалбига етказувчи маскандир.

Таваллудининг юз йиллиги нишонланаётган ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг "Аяжонларим" асарини театр жамоаси юксак меҳр ва катта тайёргарлик билан саҳнага олиб чиқди. Спектакль премьерасида иштирок этган партия фаолларидан бир гуруҳи жамоани қизғин табриклади. Премьера барча ихлосмандларда катта таассурот қолдирди.

Спектаклдан кейин ўтказилган тантанали маросимда режиссёр Неъмат Пардаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Йўлдош Мирқурбоновларга вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Жуманазар АНОРОВ.**

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 20.00 Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 323. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1934 Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди 20.00